



ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАҚСАДИ

Диёрв Бахриддин Махмуджонович

Судьялар Олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби
Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15095792>

ARTICLE INFO

Received: 20st March 2025
Accepted: 25th March 2025
Published: 27th March 2025

KEYWORDS

қасд, тўғри қасд ёки эгри қасд, эҳтиётсизлик, ўз-ўзига ишониш, бепарволик, қасд, объектив ва субъектив белгилар, мотив ва мақсад, суд, жиноят процесси, тергов ҳаракатлари, кодекс.

ABSTRACT

Жиноий жазо — бу жиноят содир этган шахсга давлат томонидан қўлланиладиган жазо чораси. Жиноий жазо жиноят қонунлари асосида белгиланади ва унинг мақсади жиноятларнинг олдини олиш, жамиятда тартибни сақлаш ва жиноятчиларни жавобгарликка тортишдир. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасига кўра, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин: 1) жарима; 2) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; 3) мажбурий жамоат ишлари; 4) ахлоқ тузатиш ишлари; 5) хизмат бўйича чеклаш; 6) озодликни чеклаш; 7) интизомий қисмга жўнатиш; 8) озодликдан маҳрум қилиш; 9) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Жазо — жиноят учун жавобгарликни белгилаш, айбдорни жазо орқали жазолаш амалиётини англатади. Унинг моҳияти жамиятда тартиб ва адолатни сақлаш, жиноятчиларни жавобгарликка тортиш ва бошқаларга намуна бўлиш мақсадида қўрилади. Жазо қонунлар, ижтимоий нормалар ва ахлоқий қадриятлар асосида белгиланади. Жазо бир томондан жиноятчининг айбдорлигини тасдиқласа, бошқа томондан жамиятни муаммолардан ҳимоя қилишга қаратилган.

Шунингдек, жазо инсон ҳуқуқлари ва қадриятларига мувофиқ бўлиши керак. Ҳар қандай жазо амалга оширилганда, унинг мақсади бутун жамиятнинг ахлоқий қадриятларини сақлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак.

Жиноий жазолар — жамиятнинг ҳуқуқий тартибини сақлаш, жиноятни содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ва уларни қайта тарбиялаш мақсадида амалга ошириладиган чоралардир. Жиноий жазоларнинг самарадорлиги ҳақидаги муҳокамалар ўтган асрлардан бери кўплаб давлатлар ва ҳуқуқшунослар ўртасида давом этаётган мавзу ҳисобланади. Жиноий жазо мақсади фақат жавобгарликка тортиш эмас, балки маҳкумнинг ахлоқий ва ижтимоий қайта тузатилишига ҳам қаратилган бўлиши керак.

Жазо моҳиятини тўғри тушуниш учун унинг асосий мақсадларига эътибор бериш лозим:

-қонуний жавобгарликни белгилаш- жазо айбдорни жиноят ёки ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишни кўзда тутди.

-жиноятларнинг олдини олиш- жазо орқали жиноятчиларга жавобгарлик ҳиссини ўрнатиш ва бошқаларга жиноят содир этишдан сақланиш учун намуна бўлиш мақсадида қўлланилади.

-жамиятнинг ҳимоясини таъминлаш- жазо жиноятчиларнинг ёки ҳуқуқбузарларнинг янада жиноятларни содир этишини олдини олиш, жамиятдаги хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

Ҳар қанақа ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмиш жиноий жазога сазовор бўлиши лозим. Жиноят кодексининг 14-моддаси биринчи қисмининг диспозицияси жиноий жазони ҳам назарда тутган. Бу эса ўз навбатида жиноятнинг жазога сазоворлик белгисини келтириб чиқаради. Жиноятнинг жазога сазоворлиги жавобгарликнинг муқаррарлиги принциpidан келиб чиқади. Жазо тушунчаси жиноят тушунчасисиз бирон-бир мазмун касб этмайди, яъни жазо аниқ реал содир этилган жиноятнинг оқибати ҳисобланади. Содир этилган жиноятнинг оқибати реал жазо эмас, балки айнан жазо қўллаш таҳдиди ҳисобланади.

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш, ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Жиноий жазо қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

- * жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади;
- * давлат томонидан ва давлат номидан унинг органлари амалга оширилади;
- * жиноий жазо чораси фақат суд томонидан тайинланади;
- * жазо тайинлаш учун жиноий қилмишнинг содир этилганлиги асос бўлади;
- * жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланади;
- * жазо муайян ҳуқуқ ва эркинликни чеклашда ифодаланади;
- * махсус ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш фақат жиноят қонунида кўрсатилади.

Ҳеч кимга жиноят қонунида белгиланган сифат ва миқдор белгисидан четга чиқиб жазо тайинланиши мумкин эмас. Фақат судгина белгиланган жазо доирасида

жиноят қонунига мувофиқ жазо муддати ва режимини белгилаш орқали қандай миқдорда ва сифатда жазо қўлланилишини белгилаши мумкин.

Жиноятчининг хулқ-атворини ўзгартириш ва уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш учун махсус қайта тарбиялаш дастурлари муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бу дастурлар маҳкумларнинг маънавий ва ахлоқий ўсишини, касбий кўникмаларни ривожлантиришни ҳам ўз ичига олиши керак.

Жиноятчиларнинг психосоциал ҳолатларини яхшилаш, уларга психологик ёрдам бериш ва ички муаммоларни ҳал этиш, уларни қайта тарбиялашда муҳим рол ўйнайди. Психотерапевтлар ва мутахассислар жиноятчининг ижтимоий ва психологиявий муаммоларини аниқлаш ва уларни тузатишга ёрдам бериш керак.

Ҳар бир жиноятчининг шахсий вазияти ва хулқ-атворига асосан индивидуал ёндашувни танлаш муҳим. Бу, жиноятчига нисбатан қўлланиладиган жазо шаклини ва унинг реабилитация жараёнини белгиловчи муҳим омил бўлади.

Жазо сиёсати, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асосланиши керак. Махсус ёрдам ва реабилитация дастурлари орқали жиноятчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳақоратсиз, инсонпарварлик билан тарбиялаш мумкин.

Жиноий жазоларнинг ижтимоий аҳамияти ўзгартириш ва тартибни сақлашдан кўра, жамиятга янада кенгроқ таъсир кўрсатади. Жазо орқали жиноятчини қайта тарбиялаш, шунингдек, жамиятга ва унга қонунбузарларнинг қайта интеграциясини таъминлашга йўналтирилган усуллар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, жиноий жазо тизими жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар орасида ҳақ-ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва иқтисодий барқарорликни сақлаш учун амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон// <https://lex.uz/uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.04.1995й., <https://lex.uz/docs/111460>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.04.1995й., <https://lex.uz/docs/111450>.
4. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Очиллов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсидинов З.З., 2021 йил, ТДЮИ нашриёти 172 бет
5. Ҳ.И.Исмоилов, - Жиноят ҳуқуқи (жиноий жазо турлари). Ўқув қўлланма. – Т.: БИ, 2020 й. 88 б.